



YURT TARAQQIYOTI YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

2026-yil,
1-yanvar,
payshanba

Ishonch

№1

(5221)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати

Қадрли ватандошларим!
Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни кириб келаётган янги 2026 йил билан чин юракдан муборакбод этаман.

Ўтиб бораётган йил халқимиз ҳаётида катта ўзгаришлар, эртанги кунга мустақкам ишонч ва улкан натижалар йили бўлди.

Дунёдаги мураккаб вазиятга қарамасдан, биз ўз олдимизга қўйган барча мақсад ва марраларга эришдик. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ҳажми илк бор 145 миллиард доллардан ошди ва мамлакатимиз ўрта даромадли давлатлар қаторидаги ўрнини мустақкамлади.

Иқтисодий ўсиш самараси одамларимиз ҳаётида, оилалар даромадида, маҳаллалар қиёфасида, ёшларимизнинг келажакка бўлган ишончида яққол намоён бўлмоқда.

Ўтаётган йилда ҳар бир оила, ҳар бир хонадонда хурсандчиликлар, бахтли онлар кўп бўлди.

Янги уйга қўчиб кирган, ўз бизнесини йўлга қўйган ёки кенгайтирган, даромади ошган, илм-фан, спорт, маданият ва бошқа соҳаларда ўзи ёки фарзандларининг ютуқларидан қувонган миллионлаб оилаларнинг шодлиги 2026 йилдаги мақсадларимизга эришиш йўлида бизга албатта катта куч беради.

Азиз юртдошларим!

Биз келгуси йилда ҳам ҳар бир оиланинг бахтли, фаровон ва соғлом ҳаёт кечириши, ёшларимизнинг сифатли таълим олишлари, келажак касбларини эгаллашлари ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун янги-янги имкониятларни ишга соламиз!

Биз 2026 йилни «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» деб эълон қилдик.

Янги йилда минглаб маҳаллалар инфраструктурасини яхшилаб, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириамиз.

Барча иқтисодиёт тармоқларини технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказамиз. Халқимизнинг даромади ва харид қобилиятини ошириш ишларини янада жадаллаштирамиз.

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари, муҳтарам кексаларимиз, қадрли хотин-қизлар ва навқирон ёшларимизни қўллаб-қувватлашни кенгайтирамиз.

Экологияни яхшилаш, «яшил» энергетикани ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича таъсирчан чораларни давом эттирамиз.

Бир сўз билан айтганда, янги 2026 йилда ҳам барча ислохотларимиз, саъй-ҳаракатларимиз одамларимиз яхши яшаш ва бизнес учун энг қулай шароитларни яратишга қаратилади.

Таърибли маҳалла раислари ва фаоллари, зиёлилар, тадбиркорларимиз, сергайрат ёшларимиз, кенг жамоатчилигимиз, ҳар бир ватандошимиз ушбу олижаноб ишларга муносиб ҳисса қўшади деб ишонаман!

Азиз ватандошларим!

Янги йил арафасида ҳар бир оила яхши ниятлар қилади, ҳар бир инсон қалбида ёрқин орзу-умидлар жўш уради.

Ҳар биримизнинг пок ниятларимиз, эзгу мақсадларимиз 2026 йилда албатта амалга ошин!

Янги йил ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қут-барака, юртимизга юксак тараққиёт, тинчлик-хотиржамлик олиб келсин!

Яратган Парвардигор Ватанимизни асрагин, халқимиз ҳаётини янада яхшилаш йўлидаги ишларимизда мададкор бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин, азизларим!


Шавкат МИРЗИЙЁЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти



КЕЧА ОРЗУ
ЭДИ,
БУГУН ЭСА
ҲАҚИҚАТ

2 >>>



НУРЛИ
ИСТИҚБОЛ

3 >>>

«ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ТАНТАНАЛАРИ – МЕХҲРНИНГ ЯНА БИР АМАЛИЙ ИФОДАСИ

«Президент арчаси» тантанали тадбири катта кичикнинг қалбига бирдек завқ, ҳаяжон, энтиқиш бағишлаши шубҳасиз. Мана, салкам ўн йилдирки, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ғояси асосида «Президент арчаси» тантаналари ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфият билан нишонланмоқда.

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ташкил этилган «Президент арчаси» тантаналари кичикинтойларга завқ, шодлик бағишлади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ташкил этилган тантанали тадбирга Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, оилавий болалар уйлари ва шеърлар айтишмоқда. Шу ернинг ўзида бадиий ижод билан шуғулланиш, расм чизиш, турли қизиқарли ўйинлар ўйнаш учун зарур шароитлар яратилгани эътиборга молик.

Айтиш керакки, кейинги йилларда таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни янгича маъно ва мазмун билан бойитиш борасида катта ҳажмдаги ислохотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қалбида қувонч ва умид уйғотиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ана шу ғамхўрлик ва эътиборнинг ёрқин ифодаси сифатида ташкил этиб келинаётган «Президент арчаси» байрам тадбирлари болаларнинг энг сеvimли ва интиқлик билан кутган байрамларидан биридир.

Мазкур байрам тадбирларини мазмунли, кўтаринки руҳда ва юқори савияда ўтказиш мақсадида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда тизимли ва самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, болалар учун байрамона муҳит яратиш, уларни сифатли совғалар билан қувонтириш ҳамда ҳар бир боланинг эътибордан четда қолмаслигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, Меҳрибонлик ва Муруват уйлари тарбияланувчилари, «SOS – болалар маҳаллалари», Оилавий болалар уйларида тарбияланаётган болалар, шунингдек, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг фарзандлари учун махсус «Президент совғалари» тайёрланди.



Жами 11 минг 125 донана шундай совғалар шакллантирилиб, улар таркибига болаларнинг таълим олиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилувчи 24 номдаги ўқув қуроллари, шунингдек, болажонлар севиб истеъмол қиладиган 34 номдаги ширинлик маҳсулотлари киритилди.

Айни пайтда Президент совғалари мамлакатимиз ҳудудлари бўйлаб белгиланган манзилларга етказилмоқда. Ушбу ташаббус болалар қалбида Янги йил шодиёнасини янада ошириш, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ва орзуларини мустақкамлашга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг ёш авлодга бўлган доимий эътибори ва ғамхўрлиги натижасида бундай хайрли тадбирлар келгусида ҳам изчил давом этирилиши белгиланган.

– «Президент арчаси» байрамида биринчи марта қатнашмоқдаман, – деди Тошкент шаҳридаги оилавий болалар уйи тарбияланувчиси, 9 ёшли Шаҳризода Алёрбекова. – Байрам барча ўртоқларим каби менга ҳам жуда манзур бўлди. Биз расмлар чиздик, рақсга тушдик, турли қизиқарли ўйинлар ўйнадик.

– Бугунги «Президент арчаси» тадбирини болажонларимиз орзиқиб кутишган эди, – деди пойтахтимиздаги А.Хлебущкина номдаги 22-Меҳрибонлик уйи директори Дилфуза Жўраева. – Улар байрамга анча аввал – ҳали декабрь ойи бошланмасидан тайёргарлик кўрдилар. Шеърлар, ашулар ўргандилар, Янги йил мавзусида турли расмлар чиздилар.

Байрам авжида. Кўркем арча атрофидаги шўх

ўйин-қулгулар, эртақ қаҳрамонлари, цирк санъати усталари билан учрашувлар кичикинтойларга унутмас завқ бағишлади. Энг асосийси, жажжилар ушбу байрам мисолида Ватанимиз, давлатимиз ва жамиятимиз, халқимизнинг меҳрини яна бир бор ҳис этди.

Тантанали тадбирда болаларни билим ва маърифат, яхшилик, меҳр ва оқибатга, ватанпарварликка ундовчи мусиқали театрлаштирилган томоша кичикинтойлар эътиборига ҳавола этилди. Буларнинг барчаси ижтимоий-тиббий ҳолатидан қатъи назар, барча болалар давлатимиз эътибори ва ардоғида эканининг амалдаги ёрқин намунаси.

Назозат УСМОНОВА,

ЎЗА мухбири

www.ishonch.uz



ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz



https://t.me/ishonchuz_official





**Менга не ишқу, не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.**

Алишер Навоий



Мурожаатномани тинглаб

КЕЧА ОРЗУ ЭДИ, БУТУН ЭСА ҲАҚИҚАТ



Президентимизнинг яқинда халқимизга қилган Мурожаатномасида 2025 йилда амалга оширилган ишлар таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Бу йил мен ҳам ушбу Мурожаатномани кўп сонли юртдошларимиз қаторида Конгресс холда, Президентимизнинг жонли мулоқотида иштирокчи сифатида тинглаш бахтига муяссар бўлдим. Албатта, бу ҳаяжон ўзгача кечди. Мурожаатномада гапирилган, айтилган ҳар бир фикрни тафаккурим етгунча англаб, уни ўз фаолиятимда тарғиб қилишга аҳд қилдим. Кишини хурсанд қиладиган жиҳати, ўтган йил юртимиз тараққиёти йўлида алоҳида тарихий сана бўлиб қолди. Дунёда кескинлик, давлатлар ўртасидаги иқтисодий қарама-қаршилик, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган таҳликали даврда ҳам мамлакатимизда илк марта ялли ички махсулот ҳажми 145 миллиард доллардан ошди. Олтин-валюта захираларимиз эса 60 миллиард доллардан ортди.

2025 йилнинг ўзида 188 та маҳалладаги 715 та хонадонга биринчи марта тоза ичимлик сув кириб борди. Яна 2 миллион 300 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. 8 миллион 100 минг квадрат метрли, 135 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар эгаларига топширилди. Одамларнинг ўзи ҳам 19 миллион квадрат метр майдонда қурилиш қилган.

Бу дегани, ўзгаришларни, қулайликларни оддий аҳоли ҳам ўз ҳаётида ҳис этмоқда. Мен ҳам ўзим кўрганим, кузатганларимдан бир мисол келтираман.

Бундан 7-8 йил илгари ота-онам яшайдиган Булунғур туманидаги Фозил Йўлдош қишлоғида кун давомида маълум муддатгагина электр энергияси бериларди. Асосан эрталаб соат 10.00 гача ва кечқурун 18:00 дан 22:00 гача чироқ ёнарди. Одамлар у билан боғлиқ ишларини шу вақтларга мўлжаллаб туришарди. «Свет» келганда бошқа ҳар қандай юмушини ташлаб, мўлжалланган ишга киришиларди. Тўй қиладиган хонадон эгаси туман электр корхонасига бориб, уларга атаганини бериб келмаса, тўй-тўйдек ўтмасди. Хуллас, ҳолатдан зада бўлган кўни-қўшилари йиғилишиб, неча марта туман электр тармоқлари корхонасига боришган, аммо у ердаги раҳбарнинг жавоби бир хил бўлган: «трансформаторлар эскирган, катта кучланнишни кўтаролмайди. Токни ҳудудларда навбат билан беришдан бошқа иложимиз йўқ. Қачонки янги трансформаторлар ўрнатилса, вазият ўзгариши мумкин...»

Хуллас, одамларнинг кўлидан ҳеч нарса келмас, давлат томонидан янги трансформаторлар ўрнатишини кутарди. Сабрнинг меваси ўлароқ 3-4 йил бурун янги трансформаторлар ўрнатилди. Онда-сонда бўлиб турадиган тех-

ник носозлиқни айтмаса, қачонки Булунғурга борсам, электр бор. Унинг мунтазамлигидан одамлар хонадонларига қишқи-ёзги ишлайдиган кондиционерлар ўрнатишган. Шу пайтгача электр йўқлигидан ишламай ётган музлаткичлар ишлаб турибди. Ваҳоланки, бу ўзгариш биргина менинг ота қишлоғимда эмас, мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида кўз ўнгимизда амалга ошди.

Яна бир ўзгариш ҳақида тўхталмасам бўлмайди. 25 йилдики, Тошкентда яшайман. Кўрганим, англаганим шу бўлдики, бу ерда тор ҳовлиларни кўя турайлик, кўп қаватли уйларнинг 2 хоналиларида ҳам талайгина оилалар тикилиб яшашарди. Ҳаттоки, бир хўжалиқда 3-4 оила бирга яшаётган ҳолатларга ҳам кўп гувоҳ бўлганман. Ер сотиб олай деса, қиммат, ўртамиёна ойликка яшайдиган оилаларнинг кўп қаватли уйлардан сотиб олишга ҳам қўрби етмасди. Ҳа, афсуски, шундай бир даврлар бўлдики, уй-жой муаммоси туфайли ажрашиб кетган ёки кўпчилик бир уйда келишмовчилик асосида нотинч яшаётганлар ҳақида тез-тез эшитардик. У пайтлар кўчаларда янги қурилаётган уйларга кўзимиз тушганини эслолмайман. Ваҳоланки, ўша пайтларда ҳам ҳар йили минглаб янги оилалар бунёд бўлар, туғилиш ҳисобига аҳолининг сони шиддат билан ўсарди. Оқибатда уй-жой масаласи энг долзарб ва оғриқли муаммога айланиб кетганди.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган дастлабки кунлардаёқ Сергели туманидаги бўш ётган ерларда кўп қаватли уйлар қуришга фармон берди. Бунинг хайрли томони, улар аввалбоши энг муҳтожларга, ногиронлиги бўлган, боқувчиси йўқ, бошпанасиз яшаётганларга тарқатилди. Қўшилариимиздан

бири Хоразмдан келиб, илмий иш қилаётганди. 3 фарзанди билан яшаб, уй олишга қўрби етмай, ижарада турарди. Илмий иш қилаётган ака бир куни етишмовчилик жонига тегиб, аёлига ёзғирибди:

– Ойликдан ойликкача тўкин яшолмасак, менинг илм қилиб юрганим нимаси? Кел, яхшиси, Россияга ишлагани кетақолай. Балки шунда иқтисодимиз яхшиланар?...

Аммо кўшим оқила аёл, хўжайинини йўлдан қайтарибди:

«Дадаси, шунча қийналиб илмий иш қил-япсиз. Энди тайёр бўлиб қолганида ташлаб кетасизми? Биз сизга қорнимиз тўймади деяпмизми? Ҳали ҳаммаси яхши бўлади, илмий ишингизни охиригача олиб бориңг, ҳимоя қилиңг...».

Бир йил ўтиб, ўша оилга ишхонасидан бошланғич тўлови тўланган, имтиёзли кредит асосида 3 хонали уй берилди. Оила бошлиғи тадқиқот ишини ҳимоя қилиб, илмий даража олди.

Яна бир кўп йиллик уйсиз яшаб келаётган ҳамкасбимиз Ёзувчилар уюшмасидан берилган имтиёзли кредит асосида уйли бўлди. Сал кейин эса олдиндан ўзининг йиғиб-териб юрганларига яна битта уй олди. Атрофимизда бундай мисоллар жуда кўп. Қўз ўнгимда охириги 7-8 йилда уйга муҳтож таниш-билишларимнинг барчаси уйли бўлди. Ҳатто даромадидан орттирганлар қўша-қўша уйли бўлмоқда. Ў-тиборлиси, келинларини алоҳида янги хонадонга тушираётганлар кўпайди. Ёшлар бахтли яшасин, уларнинг чиройли ҳаётига ҳалақит бермайлик, дея фикрлаётганлар қанча? Уйлар қурилиши эркинлашгани, тадбиркорликка кенг йўл очилгани, бюрократик тўсиқлар олиб ташлангани шарофати эмасми бу? Шароит, иқтисодий фаровонлик бўлмаса, бундай яхши ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлармиди? Пойтахти асимдагина эмас, вилоят ва туманларда ҳам бундай уйлар кўп ва хўп қурилмоқда. Ҳар бир туманда пайдо бўлган «Янги Ўзбекистон» мас-сивларида минглаб юртдошларимиз Ватан ичра ўз кичик ватанларига эга бўлмоқда.

Албатта, ҳаётимизда ечимини қутаётган муаммолар ҳам етарлича. Президентимиз мурожаатноманда буларни очиқчасига айтиб ўтди. Коррупция масаласи шулар жумласидан...

– *Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса ислохотларимизга хиёнатдир, – деди давлатимиз раҳбари бу ҳақда таъкир эканлар. – Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда «фавқулодда ҳолат» эълон қиламиз.*

«Лавозимим, унвоним бор, менга ҳеч ким тегмайди», деганлар адашади. Қонун олдида ҳамма тенг! Хавфсизлик хизмати, ички ишлар, прокуратура, солиқ, божхона, молия, банк, йирик давлат компаниялари, вазирлик ва ҳокимликлар, бир сўз билан айтганда, бирорта ишора ва ташиқлот назоратдан четда қолмайди.

Бундан англашилмоқдаки, мамлакатимизда коррупцияга қарши кураш янги босқичга чиқади. Унга кучли мурасасизлик ҳисси ҳар биримизда тўлқинлиб турishi лозим. Шундагина биз уни енга олаемиз.

Мурожаатноманда белгилаб берилган тўр-

тинчи устувор йўналиш – касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори тизимини шакллантириш масаласи бўлди. Дунё шиддат билан ўзгараётган, рақамлаштириш, сунъий интеллект, инновацион технологиялар меҳнат бозорини мутлақо янги қиёфага олиб кираётган бир даврда бу келажагимизни белгилайдиган масаладир. Яқин келажақда айрим касблар тарихга айланиши, айримлари эса янги билим ва малака талаб этиши аниқ. Шу маънода, давлат раҳбари таъкидлаганидек, саноатда автоматлашган ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигида «ақлли» технологиялар, транспорт соҳасида интеллектуал бошқарув тизимлари аллақачон ҳаётимизга кириб келган. Демак, меҳнат бозори ҳам замон талабига мос, касб, таълим ва технологияни бирлаштирган ягона тизим сифатида ишлаши шарт.

Бу борада техникумлар тизимини янгилашга қаратилган беш йиллик дастур ёшларнинг мустақил ҳаётга қадам қўйишлари учун мустаҳкам замин бўлади. 2026 йилдан бошлаб, ҳар йили юзтадан ортиқ техникум тўлиқ таъмирланиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланади. Улар меҳнат бозорида талаб энг юқори бўлган касбларга мослаштирилади. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой ва Корея каби давлатларнинг замонавий тажрибалари жорий этилиши касбий таълим сифатини мутлақо янги босқичга олиб чиқади.

Касбий маҳорат техникумлари ҳамда «Касблар шаҳарчалари»нинг ташкил этилиши эса мактаб ўқувчиларини давр талабига мос касбларга йўналтириш имконини беради. Қурилиш, сервис, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва «яшил» энергетика соҳаларидаги янги касблар маҳаллаларда иш ўринлари яратишга, ёшларнинг ўз юртида муносиб ҳаёт кечирishiга хизмат қилади.

Шунингдек, корхоналар учун ижтимоий солиқ имтиёзларининг узайтирилиши, «дуал таълим» асосида тахсил олаётган 100 минг нафар техникум ўқувчисига илк бор стипендия жорий этилиши, иқтидорли ёшларни қўшимча рағбатлантириш, касбий таълимга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирадиган муҳим қадамлардир. Бу орқали иқтисодиётимиз учун рақобатбардош, билимли ва масъулиятли кадрлар етишиб чиқади.

Ушбу ислохотлар 2026 йил – «Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили» деб эълон қилинган ташаббус билан ҳамоҳанг. Чунки касб-корли инсон маҳалланинг таянчи, жамиятнинг суянчи. Ёшлар ўз ҳудудида ҳунар эгаллаб, шу ерда келажагини қура олса, маҳалласи ҳам жонланади, жамият янада ривожланади.


Бир сўз билан айтганда, Мурожаатнома оддий сиёсий маъруза ёки ҳисобот эмас. У инсон қадри, касб ва меҳнатни тараққиётнинг бош мезони сифатида белгилаб берган, Янги Ўзбекистон келажагини қўзлаб ишлаб чиқилган мустаҳкам стратегик дастурдир. Демак, у халқимиз ҳаётида юз берадиган янада кўплаб ижобий янгиланишларга асос бўлади.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

Йиғилиш

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши ва Ижрия қўмитаси ййғилиши бўлиб ўтди. Уни кенгаш раиси У.Жалменов олиб борди.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ



Тадбирда сўзга чиққанлар соҳа фаолиятига оид масалалар ҳақида сўз юритиб, галдаги вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ййғилишда, шунингдек, кун тартибидан ўрин олган бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилиб, тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

Фаолиятга назар

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК АСОСИ

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга йирик саноат корхонаси бўлган Навоий кон-металлургия комбинатининг барча ютуқларида Марказий кон бошқармаси жамоасининг алоҳида ҳиссаси бор. Бу ерда 17 минг нафардан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Айтиш керакки, гигант корхонанинг етакчи ишлаб чиқариш тармоғи бўлган бошқарма меҳнаткашларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб иш шароити яратиб бериш, хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вақил сифатида қўмита томонидан аъзолар ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, иш шароитлари яхшилаш, маданый ва спорт тадбирларини ташкил этиш, аниқроғи, жамоа шартномасида қайд этилган имтиёзларни тўлиқ қўллаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қўмитамиз бугунги кунда ишламайдиган пенсионерлар билан бирга қарийб 20000 нафар аъзони ўз сафига бирилаштирган. Таркибида тўртта доимий комиссия бўлиб, улар ўз режасига мувофиқ, кўп қамровли фаолиятни олиб боради. Жумладан, «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги қонунга асосан меҳнат муҳофазаси устидан жамоатчилик назорати ташкиллаштирилган. Бўлинмалардаги ҳолат доимий равишда ўрганилиб, аниқланган камчиликлар бартараф қилинади. Ҳар чорак якунида намунали фаолият кўрсатган меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар касаба уюшмаси тавсияси билан маъмурият томонидан рағбатлантирилади.

Ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олиш, корхона ошхоналарини сифатли озиқ-овқат махсулотлари, жиҳоз ва иш анжомлари билан таъминланиши, махсус уст-бош ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, хизмат автобуслари ва ишчи поездидаги шароитлар устидан жамоатчилик назорати амалга оширилади. Доимий равишда эхтиёжманд, ёлғиз қариялар



ва ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларда шикастланган аъзоларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади, байрамлар арафасида уларга озиқ-овқат тўп-ламлари тарқатилади.

Айтиш керакки, юртимиздаги тарихий обидалар билан таништириш мақсадида ҳар йили 2000 нафарга яқин ходим ва пенсионерлар учун Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳрига саёҳатлар ташкил қилинмоқда. Шунингдек, меҳнаткашлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилиб, «Кончи» пансионати, «Тўдақўл» дам олиш базаси, «Металлург» ва «Нуробод» санаторий-профилакторийси каби кўпгина масканларга имтиёзли нархларда йўлланмалар ажратилмоқда. 2025 йилда 4500 нафардан ортиқ аъзо ва уларнинг яқинлари, пенсионерлар соғломлаштирилди. Шунингдек, ходимларнинг даврий профилактик ва тиббий кўрикдан ўтиши ҳам касаба уюшмасининг доимий эътиборида.



Касаба уюшма фаолиятидаги яна бир муҳим жиҳат ходимлар фарзандларини соғломлаштириш масаласидир. Ҳар йили ёзда «НМКМ жамғармаси» ДМ тасаруфидида «Зарафшон», «Пахлавон», «Сугдиёна», «Сармиш», «Келажак», «Табассум» оромгоҳлари ҳамда «Ёшлик» дам олиш ва меҳнат масканида 3000 нафарга яқин фарзандларимиз мароқли ҳордиқ чиқаришади.

Бошқарма бўлинмаларида ишлаётган, айниқса, ёшлар иштирокида ташкил қилинаётган оммавий-маданий, спорт тадбирларининг қатор турлари анъанавий тус олмоқда. Жумладан, мини-футбол бўйича «Марказий кон бошқармаси директори кубоғи», хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида «Комбинатнинг олтин аёли», ёшларнинг иқтидор ва истеъодларини ривожлантириш ва рағбатлантириш учун «Йилнинг энг ёш мутахассиси» кўрик-танловлари ҳамда аъзоларнинг китобга бўлган қизиқиши, маънавий



салоҳиятини юксалтириш юзасидан «Заковат», «Энг яхши китобхон» каби интеллектуал ўйинлар, бундан ташқари, йил давомида спортнинг 8 тури бўйича спартакиадалар ўтказиб келинади. Эътиборлиси, 4500 нафардан ортиқ меҳнаткашлар ишдан бўш вақтларида «Алпомиш» спорт мажмуасининг замонавий иншоотларида доимий шугулланадилар.

Бу каби саъй-ҳаракатлар меҳнат жамоасининг касбга садоқати ва меҳрини оширишдан ташқари, ишлаб чиқариш унвондорлиги, сифати, энг муҳими, тизим ривожига ижобий таъсир кўрсатиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Баҳодир ҚОСИМОВ,
Навоий кон-металлургия комбинати
касаба уюшмаси таркибига кирувчи
3-бирлашган касаба уюшмаси
қўмитаси раиси



Ѓўзал кунлар келишини кутма,
Унга томон бормоғингни унутма.
Жалолиддин Румий





Ўткир РАХМАТ

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ

(Қасида)

Инсон умри сониялар, дақиқалар, соатлару кунлар, ойлару йиллар билан белгилаб бери-лар экан, ҳар бирининг тароватию жозибаси, ғўзаллигию кўрки, қадрию қиммати бўлак-чадир. Ҳаётнинг ҳуда-беҳудага сарфланган, орзу ва мақсадсиз ўтказилган, интилишсиз яшалган бир лаҳзаси ҳам орадан вақтлар ўтиб, ўз ўрнини билдириб қўяди. Демак, за-мону макон измидан йироқлолмай яшаётган одамнинг вақтдан умиди кўп бўлганидек, вақтнинг ҳам одамдан умиди бисёр...

2025 йил... Бир-бирини беаёв қувлаб кечган уч юз олтмиш беш кун жонажон Ўзбекисто-нимиз тарихи солномаси ҳамда халқимиз қалбига бахтли, чинакам дориламон ва файз-ли кунлар ўлароқ битилганини билиш учун узоққа бориш шарт эмас. Бунинг учун ўлка-даги бунёдкорликлар, инсонлар юзидаги ҳушчақчақлик, кўнглидаги ризолиқни кўриш ва англаш етарли...

Ушбу битикларни ана шундай оқизона англовим меваси ва бундан кўнглимни тўлқин-лантирган ҳаяжон ҳамда улкан муҳаббат ифодаси сифатида қабул қилгайсиз, азиз ўқувчи!

Тамаддун саҳнига нурини сочиб,
Йил келар йилларнинг устидан ошиб,
Она юрту элли ардоқлар жўшиб,
Токи маҳв бўларкан ҳар ёвуз хаёл,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол!

Гоҳида қор ёғар, ёмғир ёғар гоҳ,
Барига чидайди умр – сўлмас боғ,
Ҳаёт китобига тўнширмайди доғ,
Орзу ва ниятлар топмайди завог,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Қир-адир ястаниб офтобга боққан,
Кўксига ранг-баранг чечаклар таққан,
Ирмоқлар чопқиллаб дарёга оққан,
Қайдадир интизор кутгайдир висол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Бир томон Хоразм, бир ён Самарқанд,
Бунда ҳар ким ижод ишқи билан банд,
Ўлкани беэмоқ – энг ғўзал талант,
Кимки жим ўтирса қисмати малол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Ҳуш насимлар келар Қорақалпоқдан,
Навоий, Жиззаху Бухоро ёқдан,
Ҳар ким бахт тўймоқда чин яшнамоқдан,
Кўрку таровати тўёки билол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Қашқадарё яшнар кўрки кўз олиб,
Сурхондарё борар зиёга тўлиб,
Сирдарё ғўзаллик ичиди қолиб,
Кўз-кўз қилар бунда, кўрсатар жамол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Андижон, Наманган, ғўзал Фарғона,
Дурдоналар ичра бўлди дурдона,
Бугун саодатин айлар тўёна,
Йигиту қизлари, ҳар эркак, аёл,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Айтсам, битмас Ватан жозибасини,
Шаҳару қишлоқлар ҳуш нафасини,
Ҳар кўча оширар дил ҳавасини,
Тиллардан тўқилар ҳар каломда бол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Тонглардан тонгларга келганида нур,
Қалбларга завқ тўлди, қўзларга суғур,
Мақсади юксакнинг толеси шудир,
Қўшқўллаб узатса ҳаёт олақол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Энг ғўзал муҳаббат дилга бахшида,
Кунларки лаззати йилга бахшида,
Умр шу Ватанга, элга бахшида,
О, шундай умрлар тусаммас, ҳалол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Бугуннинг эртага зўр имкони бу,
Аждодлар истаган шараф-шони бу,

Саодат кўшигин айтмоқ они бу,
Бирлашмай турмоқлик келгайдир маҳол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Кўприклар солинди қитъалар аро,
Ишонч ҳам боғланди соф диллар аро,
Бирдамлик қўл тутди бу эллар аро,
Дилпортар суҳбатлар энди бемалол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Олга одимлайди шиддатли карвон,
Юксак мақсадлару эзгулик томон,
Дўстлик муждасида иқболи аён,
Кўзлари чақнаган, юзлари ҳам ол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Бир кунга жо бўлса агарки умр,
Шу юртга берилгай, айланиб фахр,
Ўзбекистон номи қалбларда ахир,
Бу туйғу дилларга жойлансин ҳавол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Бугун шахд борардир халқ билан бирга,
Ҳар ёниқ, ҳар уйгоқ қалб билан бирга,
Унга таянч бўлмоқ эзгу ақида,
Ниятлар порласа мисоли ҳилол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Ҳар кимнинг толеси қуёшдай қулгай,
Ўқсинган кўнгуллар қувончга тўлгай,
Масрурлик абадий ҳалроҳи бўлгай,
Фарзандлар улғаяр бамисли ниҳол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Дақиқа, соатлар имконлар берди,
Сафларда мардлару майдонлар турди,
Шарафли меҳнатлар рағбатлар кўрди,
Улгайиб боради умр безавол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Ўзгалар бузмасин ўртани ҳарчанд,
Ришталар боғлангай дўстликда зарчанд,
Бунга гувоҳ эрур қадимий Хўжанд,
Азалдан томирлар мустаҳкам алҳол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Бирлашмоқ йўлида туркий эл бугун,
Қучоғини очар, дейди «Кел!» бугун,
Шу эмасми одил, ғўзал йўл бугун?
Қардошлар дийдорин шодликлари мўл,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Беш ога-унидай дийдорлашдилар,
Кўнгулдан кўнгулга йўллар очдилар,
Довондан довоғна ишбу ошдилар,
Келажак уфқ ангилг чорлар бедаллол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Ҳар кунга бағишлаб кўрку латофат,
Юксалар тобора билим, маърифат,
Бир ёнда футболу бир ёнда шахмат,

Жаҳонни айлайди мафтун ҳамда лол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Шиддаткор ўғил-қиз азмини кўринг,
Зафарлар келтирган базмини кўринг,
Қалбдаги Ватаннинг расмини кўринг,
Боқинг, қалблар тоза, нигоҳлар зилол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Олтин авлод бугун чин ифтихордир,
Марралар ошмоққа яна тайёрдир,
Шундай миллат мудом бахтларга ёрдир,
Эртаси бузундан кўрингай аққол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Дарёю тоғлардан кечиб ҳайрихоҳ,
Ёвузлик, макрдан айлайди огоҳ,
Эзгу ниятларга бўлар чин паноҳ,
Яхшилик истарса қўшилар дарҳол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Ҳар кун отаётган иқбол тонгидир,
Баралла янграган ўзлик бонгидир,
Ғоя ҳам, амал ҳам, йўл ҳам янгидир,
Ахтармоқ не даркор ўзгадан мисол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Гоҳ бахт эшик қоқар, гоҳо келар гам,
Қадри бўлакчадир ҳар лаҳзанинг ҳам,
Бунни сезиб турса бўлгани одам,
Сониалар ҳатто кетмасин увол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Токи бу заминда офтоб ҳам порлар,
Инсонни яшашига умрбод чорлар,
Қуну тун қадрини билган шунқорлар,
Заҳмату меҳнатда толгайдир камол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Яшашдан аслида мақсад не ахир,
Ғанимат кунларни берган-ку тақдир,
Бемазмун, бесамар келмасин охир,
Яхшилик қилолса инсон бир мисқол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Қайдадир оловлар ёнмоқда тинмай,
Мазлумлар оҳига парво ҳам қилмай,
Ўзининг сўнгини ҳатто ўйламай,
Минг афсус бўлмаса инсоний аъмол...
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Бу шеърим кун қадрин англаганларга,
Осуда ҳаётни танлаганларга,
Ёр бўлгайдир қалбим тинлаганларга,
Албат пешовз чиқар дамлар гулжамол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Деймизки, бу дунё баланд-пастликдир,
Ёмони бу сўзни англамасликдир,
Бугуннинг талаби ҳаминафасликдир,
Биродарим, бунни тушун, келақол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Дилларда шукрона нафаси елар,
Улуг мақсад ила улуг халқ келар,
Бу диёр эртаси, иқболи қулар,
Бу шундайин буюқ, бардавом бир йўл,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Анжуман саройи бўлди нурафшон,
Сарбоним шағнига айтиб шараф-шон,
– Ўргана арзыйди Сиздан деб жаҳон,
Тан бериб меҳмон ҳам сўз айтди: – Қойил!
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Бугун мамлакатда кўтаринки руҳ,
Дилларга йўлайди тугамас шукӯҳ,
Кунларки чирой ва файзда тенги йўқ,
Сен эса уларни яшамокдан тол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Тинчлик кўрғонига етмаса путур,
Ўлкам равнақ топгай, элим чин ҳузур,
Покиза юраклар тилаги будир:
Барқ урсин бу боғлар айлаб касби-ҳол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Дўстим!
Ўрингдан тур, йўл бошидасан,
Биламан, не ташвиш талошидасан,
Қувват ол улуглик қуёшидан сан,
Сўнг юрак тўрида Ватан курақол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Тан жонда, жон эса, бил, танда азий,
Оташнафас қушлар чаманда азиз,
Ҳар кун бўлсин десанг Ватанда азиз,
Ҳаётни анлагин, турма бўлиб зол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Инсон бир кун бахтли, бир куни гамнок,
Хато умр йўлин енгил санамоқ,
Қалб иши – кунлардан кунга бўйламоқ,
Бунни ким эпласа этмасдан арз-ҳол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Токи олам аро одам тирикдир,
Йиллар кечирмоққа арзигуликдир,
Ҳар кунки асрга тапигуликдир,
Элдошим, бу туйғу таъмин сезақол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол.

Фахрим битмас сўзим ниҳоясида,
Қисматнинг улугвор ҳикоясида,
Шонли истиқболнинг ҳимоясида,
Юртбошим шаштидан, дунё, ибрат ол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол!

Уч юз олтмиш беш кун – бу Ўзбекистон,
Уч юз олтмиш беш кун – бир улкан дoston,
Уч юз олтмиш беш кун – ҳур, дориламон,
Уч юз олтмиш беш кун – мангу истиқлол,
Уч юз олтмиш беш кун – нурли истиқбол!

Касаба уюшмаси аралашгач...

Меҳнат жамоаларида қонун устуворли-гини таъминлаш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Аммо ай-рим ташкилот раҳбарлари қонун-ларни писанд қилмай, ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини топтамоқда, уларнинг кадр-қимматини камситмоқда.

ҲУҚУҚ ИНСПЕКТОРЛАРИ БОР БЎЛСИН

Хусусан, Парда Турсун номидаги Республика фтизиатрия ва пуль-монология тиббий реабилитация маркази раҳбарияти бизга нисба-тан адолатсизлик қилди. Ҳақ-ҳуқуқла-римизни таъминлашни сўраб, уларга йўллаган мурожаатларимиз эътиборсиз қолдирилди. Ҳолат шу даражага бориб етдики, иш берувчи бизни ҳатто эши-тишни ҳам истамади.

Шундан сўнг Соғлиқни сақлаш хо-димлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгашидан амалий ёрдам сўрадик. Улар шикоятимизни ўрганиб, тегишли тартибда судга даъво-ариза ки-ритди. Натижада бузилган ҳуқуқлари-миз тикланиб, бизга етказилган мод-дий ва маънавий зарарлар ундириб бе-рилди. Адолат қарор топишида меҳнат ҳуқуқ инспектори А.Ражабовнинг ҳис-саси катта бўлди.

Наманган вилояти Поп туманидаги Соғлиқни сақлаш вазирлигида қарашли Парда Турсун номидаги Республика фтизиатрия ва пульмонология тиббий реабилитация марказининг бир гуруҳ ходимлари

КАСАБАҚЎМ ИШГА ҚАЙТДИ

М.Т. 2021 йил 7 январдан Хива шаҳри-даги давлат мактабгача таълим ташкило-тида 0,75 ставкада тарбиячи сифатида иш бошлади. 2022 йил 12 февралда ташки-лот бошланғич касаба уюшмаси умумий йиғилиши қарори билан касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб сайланди. Шундан бери ҳар икки лавозимда масъулият би-лан ишлаб келди.

2024 йил декабрида ташкилотга янги раҳбар тайинланди. Нимадир бў-либ, раҳбар ва касабақўм ўртасидан оламушук ўтди. Иш берувчи ҳар қан-дай йўл билан етақчини ишдан бўша-тиш пайига тушди. Бир неча бор меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида хато ва камчиликларга тўла буйруқлар расмийлаштирди.

Жумладан, М.Т.га нисбатан интизо-мий жазо қўллаш ва меҳнат шартнома-сини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ ўт-ган йил 5 май кунини Хива шаҳар юридик марказининг электрон платформасига киритилди. Юридик марказ бу буй-руқни Меҳнат кодекси ва амалдаги қо-нун ҳужжатларига зид, деб топиб, 8 майда уни қабул қилишни рад этди.

Директор мазкур ҳулосани эъти-борга олмади. 2025 йил 13 майда М.Т. билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни қайта расмийлаштирди. Унда асос сифа-тида Меҳнат кодексининг 161-моддаси 2-қисми 5-банди, 2025 йил 21 апрелда касаба уюшмасига юборилган тақдим-нома ҳамда ходимнинг ишда бўлмаган-лиги ҳақида 2025 йил 18, 26 март ва 4 апрелда расмийлаштирилган далолат-номалар кўрсатилган эди.

Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюш-малари Федерациясининг Хоразм ви-лояти кенгаши судга мурожаат қилди. Унда мазкур буйруқни ғайриқонуний деб топиш, М.Т.ни мактабгача таълим ташкилотига тарбиячи сифатида ишга тиклаш, шунингдек, мажбурий бекор юрган даври учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш сўралди.

Суд даъвоини белгиланган тартибда қўриб чиқди ва тарафлар фикрларини тинглади. Пировардида, Хива шаҳар мак-табгача ва мактаб таълими бўлими та-сарруфидаги давлат мактабгача таълим ташкилотининг 2025 йил 13 майдаги буй-руғи ғайриқонуний, деб топилиб, бекор қилинди. М.Т. 2025 йил 5 майдан ўз лаво-зимига тикланди. Жавобгардан даъвогар фойдасига иш ҳақи, маънавий зарар ва почта харажатлари учун жами 10 474 255 сўм ундирилиши белгиланди. Шунинг-дек, жавобгар давлат фойдасига 2 472 000 сўм давлат божни тўлайдиган бўлди.

Музаффар АТАБАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши
меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ташвиш келса, қўша келаркан. Оиласи таянчи, ёлғиз суянчи, фар-зандларининг меҳрибон падарини саратон касаллиги бу ҳаётдан юлиб кетган аёлнинг дардини тинглаш осонмас. Боз устига, ўзи ҳам онкологик касалликка йўлиқиб, устма-уст кимёвий муолажа олиб келаётган бўлса... Касаба уюшмаларининг 1211 «Ишонч те-лефони»га келган бу мурожаатдан кўнгуллар маъюсланди.

ЎКСИК КЎНГИЛ ШОД БЎЛДИ

– Чиқмаган жондан умид, дея рўзгордаги бор-будимизни турмуш ўртоғимнинг даволанишига сарфлаб юборгандик. Ундан айрилгач, чала битган уйда уч нафар норасида би-лан бўзлаб қолдик. Ҳатто эшик-ром олишга ҳам қурбимиз етмади, – дей-ди Нуробод тумани «Саҳоба» МФЙда яшовчи Инобат Арзамова. – Маҳаллий маъмурлардан кўмак сўраб қилган мурожаатимиз натижасиз қолди. Ях-шиларнинг маслаҳати билан касаба уюшмаларига алоқага чиқдим. Улар арзимни тинглаб, зудлик билан ёрдам қўлини чўзганидан хаста дилим беҳад шод бўлди.

Касаба уюшмалари аралашуви би-лан Инобат Арзамованинг муаммоси тезда ҳал бўлди. «Саховат ва кўмак»

жамғармаси томонидан 4 миллион 500 минг сўм миқдорда ажратилган маблаг ҳисобидан тураржойи таъ-мирлаб берилди. У билан мулоқоти-миз чоғида аён бўлишича, оила ҳа-лиям оғир ахволда. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлган аёл соғлиғи кун сайин ёмонлашаётганини, яқинда еттинчи бор кимё муолажасини ол-ганини айтди.

Ёрдамга муҳтожларга кўмакла-шиш хайрли иш. Умид қиламизки, Ну-робод тумани ҳокимлиги масъулари, қолаверса, «Саҳоба» маҳалла фуқаро-лар йиғини мутасаддилари ушбу оила аъзоларини ёлғизлатиб қўйишмайди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»



1211

эшитади...

ЯХШИЛАР КЎПАЙСИН!

Тақдир экан, қибрайлик Н.Раҳматованинг турмуши бузилди. Қарамоғида ёш боласи борлиги боис, ишлай олмади. Собиқ турмуш ўртоғи эса, моддий ёрдам бе-ришни ҳаёлига ҳам келтирмади. Илоҳсиз қолган аёл алимент ундириш учун судга мурожаат қилди. Суд те-гишли қарор чиқарди. Аммо боланинг отаси қарорни ҳам писанд қилмади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хотин-қизлар мурожаатлари билан ишлайди-ган 1211 рақамли «Ишонч теле-фони»га сим қоқиб, вазиятни тушунтирдим.

Қарангки, орадан бир неча соат ўтар-ўтмас, пластик кар-тамга салкам 10 йиллик алимент пули (57 миллион сўм) тушди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Ўз-бекистон касаба уюшмалари Фе-дерацияси ходимларига катта раҳмат! Яхши инсонлар кўпай-син!

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Тахририятдан: Маълум бўлишича, Н.Раҳматованинг собиқ тур-муш ўртоғи озодликдан маҳрум этилган ва ҳозир жазо ўтamoқда. Фарзанди вояга етгунча тўланиши лозим бўлган алимент пуллари ўша жойда ҳисоб-китоб қилиниб, оёлма-оё ундириб берилmoқда.



Нурбой ака ҳақида илк бор ўқувчи-лик йилларимда Тошкентда ўтказилган ижодкор ўқувчилар танловида бетакрор шоир, «Чўлпон» нашриёти муҳаррири Чори Аваздан эшитганман. Ушанда Чори ака: «Ҳамюртин-гиз Нурбойни танийсизми?» — деб сўраб қолди. Очиги, бу ном менга таниш эмасди. Чори ака суҳбатимизга кўр бериш мақсадида: «Нурбой ҳам Деҳқонobodдан, университетнинг филология факультетини битиряпти, биз у тайёрлаган «Бобо Равшан»ни чоп қилмоқчимиз. Шу йигит келажақда катта адабиётшунос бўлиб етишади, насиб бўлса», дея ўзгача меҳр билан менга таништирганди.

Нурбой ака билан илк бор 1990 йилнинг тийрамоҳида она қишлоғида юзма-юз кўришдик. Нурбой Жабборовдай забардаст олим дунёга келган Откамар қишлоғи, сер солиб қаралганда, чўл бўлиб чўлга, тоғ бўлиб тоққа ўхшамайдиган, бир томони қумлик, бир томони паст-баланд тепаликлардан иборат жой эди. Бу кенгликларга туташ адирлар замонамизнинг буюк оқини Қодир бахшини йўрғаклаган, кучоғида аллалаб ўстирган. Мавриди келганда айтиб ўтиш жоизки, бугун тобора чўллашиб бораётган бу адирлар бизга ҳамон жуда қадри...

Аканинг уйлари Откамарнинг кунботар томонида, терскайбетда экан. Ўша кезларда кўнғирот элида уйнинг атрофини ўраш урф эмасди. Уйнинг теграсида ҳеч ким кўринмасди. Шу боис тортинмай кириб бордим. Мени савлатли, пўрим кийинган, асл кўнғирот йигит шахдам қарши олди. Ўйга кирдик, танишдик, хол-аҳвол сўрашдик. Адабиёт, оруз-ниятлар ҳақида бирмунча гурунглашдик. У гап орасида Қўлёмалар институтининг аспирантурасига хужжат топширганини, кириш имтиҳонига тайёрланаётганини айтди. Унинг вақтини ўғирламаслик мақсадида қайтишга рухсат сўрадим. Ака мени кузатар экан, Тошкентга борсам, қандай топишим мумкинлигини айтиб, албатта учрашишимни тайинлади.

Кейинчалик Нурбой ака билан қадрдон бўлиб кетдик. Тез-тез хабарлашиб турадиган бўлдик.

Ака Фурқат қўлёмалари тадқиқиға киришди. Илмий-адабий мақолалари матбуотда эълон қилиниб, танила бошлади. Мен ҳам талаба бўлдим. Тез-тез хабарлашиб турадиган бўлдик.

Кўпчилик яхши билди: ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарида илм йўлига кириш катта жасорат эди. Ўтиш даврининг мушкулотлар талотумлари не бир истеъдодларни майиб қилгани, миллатимиз жуда кўп оқилларини бой бергани ҳам бор гап. Ўша даврларда акага осон бўлмаган. Бирёқда уйсизлик, бирёқда рўзгор ташвишлари, бирёқда илм заҳмати...

САМАРҚАНДГА САЁҲАТ яна бир бор тарихимизни англашга имкон берди

Бухоро вилояти касаба уюшмаси ҳамда Когон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрига ташкил этилган икки кунлик саёҳат нафақат мен, балки барча иштирокчилар учун ҳам мазмунли ва унутилмас таассуротларга бой бўлди.

Саёҳат давомида Шоҳи Зинда жамъуаси, Гўри Амир мақбараси, Бибиҳоним масжиди, Улуғбек расадхонаси ҳамда Регистон майдони каби тарихий қадамжоларни зиёрат қилиб, ажодларимизнинг юксак заковати, бой маънавий меросини қадрлаш, уларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш зарурлигини дилдан ҳис этдик.

Айниқса, тарихий воқеаларни бугунги кун билан уйғунлаштирган тарзда жонли ва қизиқарли услубда баён этган кузатувчиларнинг хизматлари таҳсинга сазовор. Уларнинг изоҳлари орқали нафақат Самарқанд, балки Бухоро билан боғлиқ қатор тарихий маълумотларга ҳам эга бўлдик.

Ушбу саёҳат давлат хизматчилари фаолияти самардорлигини оширишга, уларнинг дунёқарашини ва масъулиятини юксалтиришга хизмат қилади, десак, муболаға бўлмайди.

Нилуфар ҲАМРОЕВА,
Когон шаҳридаги «Хўжабарги»
МФЙ хотин-қизлар фаоли

НУРБОЙ АКАНИНГ НУРЛИ ЙЎЛИ

Аммо ака сездирмади. Йўқчилик қийнаса-да, илм йўлидан чекинмади.

Нурбой аканинг аввал номзодлик, кейин докторлик ҳимоясигача бўлган заҳматли илмий меҳнат фаолияти ҳақида ўйлар эканман, ҳаёлимга Тошкентнинг Сергели мавзесидаги тўққиз қаватли «дом»нинг саккизинчи қаватидаги уч хонали уй келади. Биз яқинлари аканинг уйли бўлганидан кўп севинганмиз. Ахир, ўша йилларда пойтахтда уйли бўлиш осон иш эмасди. Нурбой ака шу манзилда яшаб, номзодлик ва докторлик диссертациясини ёклади, юзлаб илмий мақолалар, кўплаб китоблар муаллифи бўлди.

Дастлабки юзма-юз учрашганимиздан бери ўтган ўттиз беш йил давомида тинимсиз изланиш ва заҳматли илмий-ижодий меҳнати билан Нурбой ака йирик адабиётшунос сифатида илм аҳлининг хурмат-эътиборини қозонди, юрта танилди. Гоҳ адабиётга, гоҳ маънавий масалаларга дахлдор юзлаб мақолалари, ўнлаб китобларини ўқиб, матбуотдаги, телевидение ва радиодаги долзарб мавзулардаги мазмунли чиқишларига гувоҳ бўлиб келямиз.

Аканинг адабий, маънавий муаммолар борасидаги таҳлилларига баҳо бериш, мулоҳаза билдиришдан йироқман — бу ишни соҳанинг нуктадонларига қолдиришни маъқул билдим. Аммо мен бир нарсани аллақачон ўзим учун аниқлаб, хулоса қилиб бўлганман: Нурбой Жабборов хоҳ адабиётшунослик, хоҳ маънавият бўлсин, ҳар қандай масалага адабиёт жонкуяри, миллат фидойисини сифатида муносабат билдиради, фикру қарашларини асосли баён қилади ва жамоатчилик эътиборини қаратади.

Яна бир гап. Нурбой Жабборовнинг илмий фаолияти замонавий адабиётимизни мумтоз адабиётимиз билан боғлаб турадиган илмий тадқиқотлар сирасига қиради. У замонавий адабиётимизни, замонавий бадиий тафаккурни мумтоз рух, мумтоз ўзак билан пайванд этаётган, бошқача айтганда, фақат ўз даврининг образлари, тафаккури деб талқин қилинган образлар, рамзларнинг замонавий тафаккурга қув-

ват берадиган илдишларини тадқиқ этиб, адабиётни мумтоз қувват билан тўйинтираётган заҳматкаш адабиётшуносларимиз сирасига қиради.

Нурбой ака табиатан шиддаткор, жўшқин ва оташин инсон. Ҳаёт унга кўтаринки ва тантанавор эҳтиросларни ўта сазийлик билан берган. Ака бировларда кўрган ижобий хислатларнинг ҳаммасини ошириб кўрсатади — мақтайди.

Акага бу фазилатлар отасидан ўтган. У болаликдан кўпчилик ўнлаб, юзлаб китобларни титкилаб топадиган мантиқни, ҳаётини ва фалсафий хулосаларни отаси Абдулҳаким бобонинг жайдари гаплари, ўғитлари асосида ўзига сингирдиган, десам, адашмайман.

Абдулҳаким бобо Махтумқули ва Ясавийни ёд биладиган, ўзи ҳам шоир-табиат, халқ мақолу маталларининг билдимдони, чавандозликда ном қозонган, мард ва танти, манаман деган олимлару донгдор шоирларни лол қолдирган до-нишман одам эди. Виждонли, лафзи ҳалол, бировдан тили қисқи жойи бўлмаган жасур одамлар ҳеч кимдан чўчимайди ва фикрларини дадил баён қилади. Абдулҳаким бобо ҳам ана шундай мардлар тоифасидан эди. Унинг табиатида чакмоқдек қудратли нимадир борга ўхшарди. Ҳар қандай даврада бошқаларни оғзига қарата олишига кўп гувоҳ бўлганман. У кишини Абдулла Орипов, Бегали Қосимов, Усмонхон Алимов каби замонамиз алломалари жуда қадрларди.

Нурбой ака устозлари ҳақида бирдек меҳр ва эҳтиром билан сўзлайди. Улар ҳақидаги дил сўзларини эшитсангиз, кўз олдингизда Азиз Қаюмов, Шариф Юсупов ва Бегали Қосимовнинг бетакрор сиймолари, юксак билим ва маданияти, бағрикенг, том маънодаги зиёли шахс сифатидаги мунаввар қиёфаси намоён бўлади.

2002 йилнинг кеч кузи эди. Нурбой ака телефон қилиб, Бегали Қосимов 60 ёшга тўлаётгани, шу муносабат билан радиода борир эшиттириш беришининг имкони бори-йўқлиги ҳақида сўради. Ўша йиллари адабиётшунослигимизнинг йирик устунларидан бири, жадидчилик илми-

Дилдаги гаплар

нинг қарвонбошиси бўлган бу буюк олим тақиқда эди. Матбуотда чиқмас, кўпчилик ундан ўзини тортиб юрган замонлар. Домлага пана-пастқамда юриш, зўрғагина университетда дарс бериш имкони берилган эди, холос.

Мен аканинг таклиф-илтимосини бироз ўзлаштириб, улуг устозни ўзимга яқин олгандай бўлиб, мавриди билан раҳбариятга етказдим. Радионинг ўша даврдаги мард ва жасур, миллат фидойисини бўлган раҳбари бироз ўйлашиб, «Тайёрлаб бераверинг, шундай олим учун ишини олса олар, отиб юборишмас», дея рухсат ишорасини қилди.

Озод Шарафиддинов ва яна бир-икки санокли одамларгина дил сўзларини айтишга рози бўлган ушбу тўёна эшиттириш ака билан ҳаммуаллифликда эфирга узатилди. Жуда тор доирада, деярли талабалар иштирокида ўтказилган 60 йиллик юбилей якунида ушбу эшиттиришнинг тасмага ёзилган нусхасини устозга тақдим қилдик. Тасмани оларкан: «Э, э раҳмат, раҳмат, борларингизга шукр», дея кўзида ёш билан бағрига босганди улуг олим. Бундай миннатдорчилик, табиийки, Нурбой ака сабабини эди.

2010 йил августининг сўнгги кунларида ака билан атоқли шоиримиз Абдулла Орипов хонадонига бордик. Улуг шоир бизни хушнуд қаршилади. Ўйдаги меҳмонлар қолиб, асосан Нурбой акага кўп илтифот кўрсатди. Суҳбатимиз тафсилоти кўп ҳам ёдимда қолмаган. Англаганим — Абдулла аканинг меҳри бўлакча эди акага.

Қайтар чоғимизда ёзувчи Эркин Аъзам келиб қолди. Қўлида «Тафаккур»нинг янги сони. Унда Абдулла аканинг туркум шеърлари чоп этилган экан. Ҳамма қўтлади. Эркин ака журнални узатаётган, шеър эшитиш истагини билдирди. Шоир журнални varaқлаб, туркумга бир қур назар ташлаб, акага узатиб: «Нурбой, ўзинг ўқи» деди. Бу ўша машҳур «Менга хушхабар айт», деб номланган туркум эди. Кўпчилик билади: тан олинган ҳақиқат — Абдулла ака шеър ўқишда ҳам ўзбек шоирлари орасида танҳо эди. Шундай улуг даҳонинг шеърларини ўз тавсияси билан унинг олдида ўқиш, ўқиганда ҳам чин кўнглидан ўқини ҳаммага ҳам тан эмас.

Бу улуг шоирнинг акага катта ишончи эди.

Муқаддас китобларда илм нурга менгзалган. Нурбой ака исмига монанд ҳолда илм зиёсини тарқатишда фидокорона меҳнат қилмоқда. Салмоқли илмий-адабий бисоти, эл-юрт эътирофи, шоғирдлар миннатдорчилиги бунинг яққол тасдиғидир. Бугун олтмишнинг довоига қадам қўяётган, ушбу донишмодлик фақида айни кучга тўлган олимдан яна янгидан янги илмий ютуқлар кутишга ҳақлимиз.

Худойназар ДЎСТҚОБИЛОВ,
журналист

Шукуҳ

Саҳналаштирилган эртак намойиши, Қорбобо ва Қорқиз, турли мультфильм қаҳрамонлари иштирокидаги саҳна кўринишлари болажонларга унутилмас онларни улашди.

Албатта, Янги йилни совғасиз тасаввур қилиш қийин. Кичиктойларга шодлик улашиш мақсадида вилоят кенгаши томонидан болажонларга Янги йил совғалари топширилди.

Болажонлар учун уюштирилган бадиий дастур билан байрам тадбири янада файзли кечди. Ўғил-қизларнинг шўҳ қўшиқ ва рақслари барчага кўтаринки қайфият бағишлади.

Саодат МУСТАФАЕВА,
Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерациясининг
Фарғона вилояти кенгаши
мутахассиси



БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Қўқон шаҳар мусиқали драма театрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган Янги йил байрами ишчи-ҳодимларнинг фарзандларига бир олам қувонч бахш этди.



Қутлов



ҚОНУНГА ТАЯНГАН, ИЖОДГА СУЯНГАН ИНСОН

«Китоб ўқиб, ким бўлардинг, ундан кўра, бор, ишингни қил...», дея дилбандини дарс қилишга қўймайдиган ота-оналар билишмайдик, китоб ўқиган одам кам бўлмайди. Китоб инсонни улуглайди, уни эзгу мақсадлар сари ундайди.

Бир инсонни биламиз, у учун китоб муталааси қундалик эҳтиёжга айланган. Шу боис у билан турли мавзуларда мириқиб суҳбатлашиш мумкин. Унинг ҳаётга ўзгача нигоҳ билан қарashi, моҳият ва мезонни теран англаши, воқеликни қалбан ҳис қилиши ҳавас қилгулик даражада.

У — умр йўлини адолат ва ҳалоллик деган муқаддас тушунчалар билан ўлчаб ва шу мезонларга содиқ қолиб яшаётган инсон. У эътироф этишга арзигулик эзгу амаллари билан ҳамма жойда хурмат ва қадр қозонган.

У прокуратура соҳасида узоқ йиллар хизмат қилган. Меҳнат фаолияти давомида Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бўлим бошлиғи, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани прокурори, Жиззах вилояти прокурори, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Иқтисодий жинойатчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, Умумий назорат бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Судларда жинойат ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи каби қатор масъулиятли лавозимларда сидқидилдан ва муваффақиятли фаолият юритган.

Кенг жамоатчиликка малакали ва тажрибали ҳуқуқшунос сифатида танилган бу инсоннинг кўпчиликка номалум яна бир қирраси бор. У шеър ҳам ёзиб туради, ёзганда ҳам юракдан ёзади. «Кўнғил қўшиғи», «Бўлгай-бўлмағай» номли шеърый китобларини ўқисангиз, унинг топилма ва ташбиҳларидан ҳайратланасиз. Ўзгача табиатли, ўзгача нигоҳли ижодкорнинг таҳаллуси ҳам ўзгача — Хушхўл.

Ўзбекистон халқ ҳофизини Фарҳод Давлетов, Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ортиқ Отажонов, шунингдек, Исоҳжон Жўрақонов, Ўлмас Оллоберганов каби таниқли санъаткорлар унинг 30 дан ортиқ шеърларини қўшиқ қилишган. Юқорида номлари саналган санъаткорлар «юки енгил» шеърларга куй басталашмаган. Шунинг ўзи ҳам унинг қай даражада кўнғил куйчиси эканлигидан далолатдир.

Қадри Пўлат ака!
Хурматли Пўлат Рўзимович Назаров!
Сиз инсоний фазилатлари юқори, одамлилик рутбаси баланд инсонсиз!

Сизни муборақ 70 ёшингиз билан чин дилдан қўтлаймиз! Тилагимиз шуки, ҳамиша соғ-саломат бўлинг, қадрингиз ҳозиргидек доим баланд бўлсин!
Хушхўллик сизни сира тарқ этмасин!

«ISHONCH» ВА «ISHONCH-ДОВЕРИЕ»
газеталари таҳририяти жамоаси

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!

Ўлмас Оллоберганов ижросида

Айлама»

қўшиғи



Мол-дунёга қўл бўлиб нафсинг султон айлама,
Шайтон кўзи ҳирсингни, тарки иймон айлама.



Пўлат Назаров
шеър

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie»
gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JAL'MENOV, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDLOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib — «Ishonch»),
Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib — «Ishonch-Doverie»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti — (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot — (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — (71) 256-85-43
Marketing va obuna — (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati — (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati — (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati — (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati — (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati — (+998-93) 213-09-66
Samargand viloyati — (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati — (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati — (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati — (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati — (+998-99) 889-98-24
Xorazm viloyati — (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati — (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrirlar:

G'ulomjon MIRAHMEDOV,
Salim ABDURAHMONOV

Musahhirlar:

Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchilar:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirilish vaqti — 21:00
Topshirildi — 21:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning
seshanba,
payshanba va
shanba
kunlari chiqadi.
Gazeta
«Ishonch»ning
kompyuter markazida
terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan
sifati chop etilishiga
bosmaxona mas'ul.
Gazetaning yetkazib
berilishi uchun obunani
rasmilashrtirgan
tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 382 ta

Shundan 6 788 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik

kompaniyasi bosmaxonasi —

Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 415 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi —

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 179 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi —

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma G-111**

1 2 3 4 5 6